

СУДЬЯЛАР КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА ҲУКМ ТАЙИНЛАНИШИННИГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Нишанов Санжар Юлдибаевич, мустақил тадқиқотчи
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
sanjarsledak@gmail.com

Аннотация. Объектив, субъектив сабабларга кўра жиноят йўлига кириб қолган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, уларга судда ҳукм чиқариш ўзига хосликларга эга. Мақолада миллий мухитда қарийб ўрганилмаган муаммонинг психологик жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: суд, судья, ҳукм, жиноят, судланувчи.

Ҳукм чиқариш жараёни жиноят ишини кўриб чиқаётган судялар таркиби ўртасида психологик муроқот кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Қонун судяларнинг ушбу босқичда бошқа барча шахслар билан ҳар қандай муроқотга киришини аниқ ва қатъян таъқиқлайди. Ҳукм тайинлашда ушбу босқич ўта масъулиятли бўлиб, у ҳар доим жамоавий ва қатъий белгиланган таркибда амалга оширилади. Бунда судяларнинг фикр алмашиши, йиғилиши расмий ва норасмий муроқот элементларининг ўз ичига олади. Расмийлаштириш ҳукмни шакллантиришда зарур масалаларни ҳал қилишнинг тўлиқлигини, ҳар бир судянинг фаоллигни таъминлаш учун мўлжалланган. Норасмийлик элементлари ҳар қандай муаммо бўйича фикр билдириш эркинлигини таъминлайди.

Коллегиалликнинг қатъий чекланиши судяларни конференция залидаги фаолияти ва натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширишга, уларнинг психикасини максимал даражада фаоллаштиришга ёрдам беради. Судьялар коллегияси фаолиятининг муваффақияти уларнинг ҳар бири ҳаракати тўғридан- тўғри боғлиқ. Коллегиянинг ҳар бир аъзоси фаолиятнинг мақсадини аниқ тушуниши, юксак маъсулиятни англаш, ўз навбатида ҳар бир судянинг юксак психик фаоллигини таъминлаши зарур.

Суд ҳукмининг шаклланиши нафақат суд жараёнида аниқланган ва тасдиқланган маълум далиллар тўплами орқали судяларнинг онгига таъсир қилиш натижасидир. У ҳар доим объектив борлиқ фактлари ва ҳодисалари орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини оқилона билиш, уларга қадриятга асосланган ёндашув, уларнинг жиноят ҳуқуқи таъқиқлари билан ўзаро боғлиқлиги, жиноят ишида олинган натижаларни ҳиссий билиш, улардан олинган ҳуқуқий хулосалар асосида шаклланади. Суд ҳукмининг шаклланишига ижтимоий-психологик ва суддан ташқари омиллар таъсир қиласиди (судланувчининг суддаги хатти-ҳаракати, оммавий ахборот воситаларини баҳолаш ва бошқалар.).

Қонунга мувофиқ, маслаҳат хонасидаги судялар ҳайъати суд тергови натижаларига кўра, яъни унинг олдига қўйилган масалалар бўйича қарор, шу жумладан асосий - судланувчининг айби тўғрисида ҳукм чиқариши керак. Судьялар ҳайъати суд жараёни ҳақидаги ғоялар контекстига асосланиб, ҳукм

тайинлашда ўз ақли, виждони, ҳаётый тажрибаси, адолат ҳисси, бурч, маъсулият ва бошқаларга таянади. Тергов натижаларини баҳолаш бўйича мураккаб фикрлаш ва психологик жараёнда судьяларнинг “хуқуқий дунёқарashi”, жиноят ва жиноят процессуал соҳада билимдонлиги муҳим аҳамиятга эга. Суд мажлисини олиб боришда судьянинг ҳар бир ишлатган сўзи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Гнесологик жиҳатдан суд ҳукмини шакллантириш жараёни "билиш-билимаслик" тизимида, эҳтимолий билимлардан далилларнинг умумийлигини ўрганишга асосланган ҳақиқий ва ишончли билимларга қадар ривожланади. Судьянинг одил судловни амалга оширишдаги роли тўғрисида хабардорлиги унинг жиноят ишини моҳияти тўғрисидаги хulosаси дастлабки тергов органларининг хulosалари билан боғлиқ эмаслигига психологик муносабат пайдо бўлишига ёрдам беради. Бундай психологик муносабат дастлабки тергов натижаларига танқидий муносабатда бўлишга ёрдам беради, тергов пайтида йўл қўйилган хатоларни ёки қонун бузилишларини аниқлашга ёрдам беради.

Психологик жиҳатдан суд ҳукмини шакллантириш жараёни учун шубҳа эҳтимолий билимлар натижасида судьянинг бу олинган билимларнинг ишончлилигини ва уларга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёрлигини тавсифлайди.

Юқоридагилар судялар ҳукмни тайинлашнинг қуидаги босқичларини белгилашга имкон беради:

- 1) айбланувчини судга бериш масаласини ҳал қилиш учун жиноят иши материалларини дастлабки ўрганиш;
- 2) суд жараёнини режалаштириш ва суд версиялари номинацияси;
- 3) суд жараёнларида дастлабки тергов материалларини текшириш;
- 4) суд муҳокамаси ва уларнинг баҳоларини прокурор ва адвокат баҳолари билан таққослаш;
- 5) судянинг маслаҳат хонасида жамоавий ҳукмни ишлаб чиқиша якуний ҳукмни тайинлаши.

Дастлабки икки босқич ишончни гнесологик жиҳатдан эҳтимолий билим сифатида, психологик жиҳатдан эса шубҳалар мавжудлигини тавсифлайди. Суд жараёни давомида судья далилларни ўрганиб, ўз фаолиятини юзага келган шубҳаларни бартараф этишга йўналтиради, эҳтимолий тахминларни тасдиқлади ёки улар асоссиз деган хulosага келади. Охирги икки босқичда суд ҳукмининг якуний шаклланиши содир бўлади. Бундай бўлиниш схематик бўлса-да, шуни таъкидлаш жоизки, ҳукм чиқариш жараёни на фақат тўпланган маълумотларга, балки судьянинг шахсий позицияси, ахлоқий қарашлари, профессионал ҳуқуқий онги, қонун талабларига асосланади.

Судья суд жараёнининг ташкилотчиси сифатида ўзини ўзи бошқариш, қатъиятлилик, мақсадга интилувчанлик ва бошқа иродавий фазилатларга эга бўлиши керак. Жараёнда раислик қилувчи, қўшимча равишда, жиноят процесси иштирокчилари ўртасидаги рақобатнинг қийин шароитида амалга ошириладиган кучли ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши керак.

Суд мажлисидаги сўроқнинг ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз, бу суд сўроқ қилиш тартиби билан белгиланади. Раислик қилувчи судланувчини айловлар ва унга маълум бўлган иш ҳолатлари тўғрисида гувоҳлик беришга таклиф қиласди. Суд судланувчининг кўрсатмаларини унга ҳалақит бермасдан тинглайди. Судланувчининг кўрсатмаларини тақдим этиши пайтида суд фақат унинг эътиборини иш билан боғлик ва судга қизиқарли фактларни хабар қилиш зарурлигига қаратишга ҳақлидир. Судланувчи ўз кўрсатмаларини тақдим этишини тугатгандан сўнг, у қонунга мувофиқ сўроқ қилинади – судьялар, прокурор, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар, адвокат.

Умуман олганда, жабрланувчилар ва гувоҳларни судда сўроқ қилиш тартиби бир хил. Сўроқ қилишдан олдин, ушбу шахсларга атайлаб ёлғон гувоҳлик бериш учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади ва уларга иш бўйича маълум бўлган ҳамма нарсани ҳақиқат билан айтиб бериш мажбурияти тушунтирилади. Кейин судланувчига бошқа судланувчилар, ҳимоячилар ҳам савол бериши мумкин. Умумий қоидага кўра, айланувчилар гувоҳлар олдида сўроқ қилинади.

Иш судда кўриб чиқилишидан олдин жамоатчилик фикрини шакллантиришга жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки бу суд жараёни ва ҳукмнинг чиқаришга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Умумий қоидага кўра, шахснинг айби судда исботланмагунча, ҳеч ким оммавий ахборот воситалари орқали шахснинг айбини тасдиқламаслиги керак, унга нисбатан қаттиқроқ жазо берилишини ҳам талаб қилинmasлиги керак.

Ҳукм чиқариш босқичида тарбиявий функция амалга оширилади. Ҳар бир ҳукм тарбиялаши керак ва агар унинг ахлоқий эътиқодига жавоб берадиган бўлса, барча иштирокчилар томонидан тушунилса, унинг тарбиявий таъсирига эришилади.

Адабиётлар:

1. Грошевой Ю.М. Проблемы формирования судебского убеждения в уголовном судопроизводстве. Харьков, 1975.
2. Чуфаровский Ю.В. Юридическая психология. Учебное пособие. - М.: Право и Закон, 2008.
3. Шиханцев Г.Г. Юридическая психология. – М. 2005. – С. 332-335.
4. <https://studizba.com/lectures/psihologiya/yuridicheskaya-psihologiya/18627>
5. https://knowledge.allbest.ru/law/3c0a65625b3bd68a5d43b89421206c27_0.html